

(1483-1500)

(1498-1500)

1498-1500-йилларда Мовароуннахрда хукмронлик килган сўнги темурий хукмдор. Султон Махмуд Мирзонинг 3-ўгли. Онаси - Зухра бегим. Отасининг вафотидан сўнг Карши вилояти хокими бўлиб, кейинчалик акаси Бойсунгурдан Бухорони (1497-йил декабр), Бобур эса, Самаркандни тортиб олган. Бобур ота мерос шахри Андижон душман қўлига ўтиши мумкинлиги хакида хабар топиб, бекларидан бирини Самаркандда колдириб, Андижон томон юрган. Бундан фойдаланган Султон Али Мирзо Самаркандни ишгол килади (1498-йил фев.-март). 1499-йилда Султон Али Мирзо билан Мухаммад Мазид тархон орасида низо вужудга келади. Тархонлар Мовароуннахрда катта нуфузга эга эдилар. Мазид тархон Самарканд ва унинг атрофидаги мулкларни ўз ўгиллари, кариндош-уруглари ва якин кишилари ихтиёрига бериб қўйган эди. Султон Али Мирзо тахтга муқим ўрнашиб олгач, Мазид тархонга карши сиёсат юритади. Натижада Мазид тархон Самарканддан чиқиб кетади. Шунда Тошкент хокими Султон Махмудхон жияни Хон Мирзони (Мирзохон, Султон Али Мирзонинг укаси) мўгул қўшинлари билан Самаркандни забт этишга жўнатади. Султон Али Мирзо Самарканд ташқарисида, Ёрйалокда бўлган жангда голиб чиқади. Онаси Зухра бегимнинг нодонлиги туфайли ёзилган мактуб сабаб Шайбонийхон Самаркандни жангсиз эгаллайди (1500). Султон Али Мирзо Қўлба яланглигида катл этилади.